

# Намуна

## Кириш кисми

Якка тартибдаги тадбиркор \_\_\_\_\_ лойихасининг бизнес-режаси, \_\_\_\_\_ шахрида полиз зкинларини кичик хажмда, Адлия Вазирлиги томонидан кабул килинган №\_\_\_\_\_ сонли кура, бюджетдан ташкари ресурслари хисобидан кичик ва урта бизнес субъектларини кредитлаш механизми тартиби оркали молиялаштириш натижасида, ишлаб чикаришни ташкиллаштиришни асослаш максадида тақдим этилмоқда.

Лойиха ташаббускори томонидан, \_\_\_\_\_ шахрининг полиз экинлари бозорини урганиб, тахлил килиш натижасида, ушбу маҳсулотларини кичик хажмда ишлаб чикаришни ташкиллаштириш тутрисида қарор кабул килинди. Шахарда ушбу маҳсулотлар бозорида вужудга келган шароит, яъни арzon нархдаги, юкори сифатли полиз маҳсулотларига талабнинг катталиги, бундай қарорни кабул килишга асос булди.

Лойихани амалга ошириш учун, кредит хисобидан сотиб олинадиган иссик хонасини ускуналари лойиха ташаббускорининг мулки булган, ишлаб чикариш майдонига жойлаштириш кузда тутилмоқда.

Ушбу лойихани амалга ошириш, шахримизнинг ички истеъмол бозорини, юкори сифатли, нархи арzon, маҳаллий ишлаб чикаришнинг маҳсулотлари билан тулдириш, лойихани ижобий амалга оширилиши натижасида олинадиган фойдани эса, ишлаб чикаришни кенгайтиришга йуналтиришга ички имконият яратиб беради.

### 1.ЛОЙИХАНИНГ МАКСАДИ.

Ушбу лойихани амалга оширишдан максад, полиз маҳсулотларини кичик хажмда ишлаб чикаришни ташкиллаштиришни асослашдири. Ишлаб чикариладиган полиз маҳсулотини асосан, помидор ва бодринг ишлаб чикариш учун хом-аше сифатида ишлатиш режалаштирилмоқда. Бундан кузланган асосий максад, ишлаб чикариш жараенининг узлуксизлигини таъминлашдири.

Якка тартибдаги тадбиркор \_\_\_\_\_ умумий иш фаолияти стратегияси билан ушбу маҳсулотлари ишлаб чикаришни ташкиллаштириш лойихаси уртасида ички зиддият йўқдир.

Лойиха ташаббускорининг, лойихани амалга оширишдан максад куйидаги сабабларга кура:

- махсулот таннархининг юкори эмаслигига нисбатан капитал харажатларнинг тезда узини коплай олишилиги,

- хом- ашени етказиб берувчилар ва тайер махсулотларни сотувчи каналларнинг ташкиллаштириланлиги ва етарли даражада тажрибага эга эканлигидан, лойиханинг максадга мувофикалигини курсатади.

Хом-ашени етказиб берувчилар ва ишлаб чикариладиган тайер махсулотларнинг потенциал харидорлари билан лойиха ташаббускорининг уртасида, ушбу лойиха буйича олиб борилган музокаралар, уларнинг лойиха буйича хамкорлик килишга жуда катта кизикиши ва истаги борлигини курсатди. Худудий кулай жойлашганлиги, хамда ишлаб чикариладиган тайер махсулотлар харид бозорининг кенглиги сабабли, лойихани амалга ошириш учун жуда яхши имконият яратилади.

## 11. БОЗОР ВА МАРКЕТИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ.

\_\_\_\_\_ вилояти ва \_\_\_\_\_ шахри худудига полиз махсулотлари, асосан четдан олиб келинади. Полиз махсулотлари \_\_\_\_\_ шахрида турли хил корхоналарда асосан ишлаб чикарилади. Полиз махсулотларига булган талабнинг колган кисми Тошкент, Самарканд вилоятларида ишлаб чикарилган махсулотларнинг келтириш натижасида копланмоқда. Юкорида кайд килинган корхоналарнинг ишлаб чикарилаётган махсулотларининг таннархи юкорилигига, корхоналар балансидаги асосий воситаларининг киймати катталиги, бошка вилоятлардан келтиришда транспорт харажатлари махсулот нархига кушилиши сабабдир.

Шунинг учун \_\_\_\_\_ шахрида ички ва ташки истеъмол бозорларининг талабига, сифати жихатидан тулик жавоб берадиган полиз махсулотларини кичик хажмда ишлаб чикаришни ташкил этиш максадга мувофик булади.

Статистика маълумотларига кура, \_\_\_\_\_ вилоятининг аҳоли сони \_\_\_\_\_ йилда \_\_\_\_\_ кишини, \_\_\_\_\_ шахрининг аҳоли сони \_\_\_\_\_ кишини ташкил этди. Ишлаб чикариладиган махсулотларнинг асосий харидори - аҳолидир. Бундан ташкари савдо корхона ва ташкилотлари, фирмалари хам ушбу махсулотнинг потенциал харидорлари хисобланади.

\_\_\_\_\_ шахрида полиз махсулотларини кичик хажмда ишлаб чикарадиган корхоналар жуда озчиликни ташкил этади. Бундай корхоналарнинг ракобатга кучлилиги томони, биринчи навбатда бозордаги талабнинг узгаришига тезда мослашиш хусусиятининг умумийлиги билан белгиланади. Юкорида кайд этилган хусусиятга кура, амалга ошириладиган лойиханинг, биринчи навбатда, тушаётган талабга караб, ишлаб чикариладиган махсулотлар ассортименти ва номенклатурасини киска муддат ичida узгартириш, мослаштириш, махсулотларни ишлаб чикаришда,

ишилб чикаришнинг ички харажатларининг пастлиги, ракобатга бардош бериш имкониятига эга булишини кафолатлади.

## СОТИШ ПРОГРАММАСИ

Ишилб чикарилган полиз маҳсулотларини вилоят ва \_\_\_\_\_ шахри худудида жойлашган истеъмолчилар билан тугридан-тугри тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

Сотиш программаси стратегияси, ишилб чикариладиган маҳсулотларнинг сифати, ишилб чикарилаетган маҳсулот турига булган талабни хамма вакт урганиш, бозор шароитини узгаришига тезда мослашиш, хамда, юкорида кайд этилган фикрлардан келиб чиккан холда, тайер маҳсулотга нархнинг тез мослашувчи тактикаси белгиланади.

### 111. ЛОЙИХА НАРХИ.

Лойиханинг умумий нархи 2200000 сумни ташкил этади. Шундан асосий капиталнинг киймати 1984000 сумни, оборот капиталининг киймати 216000 сумни ташкил этади.

Лойихани амалга ошириш учун, лойиха ташаббускори томонидан, банкдан, 2000000 сум микдорида карз маблаглари хисобидан иссик хона куриш учун керак буладиган хом-ашени олиш режалаштирилган.

Шундан:

- 1784000 сум – асосий капиталга
- 216000 сум – айланма капиталига.

3.1 таблицада, лойиха нархи аник курсатилган.

#### Лойиханинг умумий нархи

Таблица 3.1.

№		Ташаббускор хиссаси (сум)	Банк кредити (сум)	Умумий микдори (сум)
1.	Иморат, иш майдони	200000	0	200000
2.	Иссик хона куриш учун олинадиган ускуналар	0	1784000	1784000
3.	Хом-аше	0	216000	216000
	ЖАМИ	200000	2000000	2200000

## **Лойихада хисоб-китоблар учун кабул килинган кредит шартлари**

1. Кредит микдори – 2000000 сум
2. Кайтариш муддати – 36 ой
3. Имтиез даври – 0 ой
4. Йиллик фоиз ставкаси – 10 %
5. Кредитни епиш - хар 6 ойда, ярим йиллик баъдаллар билан кайтариш.

## **1V. ИШЛАБ ЧИКАРИШ ПРОГРАММАСИ**

### **Ишлаб чикариш режаси.**

Ишлаб чикариш режаси ва ишлаб чикариладиган маҳсулотлар номенклатураси, кредит хисобидан сотиб олинадиган ойна ва уголникларнинг, ишлаб чикариш куввати ва техник имкониятидан келиб чиккан холда тузилди.

Ишлаб чикариладиган маҳсулот хажми, 1 йилда, яъни 365 иш кунида лойиха буйича тулиқ кувватда ишлаганда, 4800 кг помидор ва бодринг этиштирилади.

Ишлаб чикариш режасини тузишда, ишлаб чикаришни ташкиллаштириш жараени хам эътиборга олинган.

### **Ишлаб чикаришни тайерлаш.**

Ишлаб чикаришнинг жараени, узини ичига, олинаетган технологик полиз экинларини ишлаб чикариш машиналари, ишлаб чикариш объектини кайта мослаштириш тадбирлари ва шу тадбирлар билан баглик харажатларни олади.

Ушбу харажатлар лойиха ташаббускори хисобидан копланади.

### **Ишлаб чикариш жараени.**

Якка тартибдаги тадбиркор \_\_\_\_\_, кредит маблаглари хисобидан олинадиган ойна уголник ва бошки кетадиган материаллар иссик хона курилади, полиз экинларини ишлаб чикариш иссик хонани ташкиллаштиришни режалаштирган.

Кредит олингандан сунг, тадбиркор 10 кун мобайнида керакли ускуналарни сотиб олиб, хонани ишга туширади. Шу максадда тадбиркор, ускуналарни куйидаги етказиб берувчилар билан шартномалар тузган:

Лойихада курсатилган иссик хонага хар мавсумда 1600 кг помидор бодринг етиштиради. Бир мавсумда 1600 кг тайер маҳсулот чикарилади. Бизнес-режада, 120 кун хисобида кабул килинган.

Помидор ва бодринг етиштириш учун, тадбиркор томонидан сотиб оладиган кучатлик маҳсулоти хом-аше сифатида фойдаланилади. 1 дона кучатнинг таннархи 10 сумга tengdir.

Таблица 4.2

№		Улчов бирлиги	Сони	Нархи	Суммаси
1.	Помидор ва бодринг кучати	дона	1600	10	16000
2.	Угит	кг	100	2000	200000
	ЖАМИ				216000

Иссик хонанинг бир мавсувда 1600 дона помидор ва бодринг кучати етиштирилади.

### Электроэнергия харажатлари

Исик хонанинг бир иш кунида ёридгич ва иситиш ускуналари тулик кувват билан ишлаганда, хамда цехни еритиш ва бошка талабларини кондиришга 45 кВт электроэнергия сарф килади. Тадбиркор, 1 кВт.га 5,5 сум хисобидан тулайди. Электроэнергияга бир иш кунида килинадиган харажатлар 247,5 сумни ташкил этади.

### Транспорт харажатлари

Хом-аше ва полиз экинларини етиштириш иссик хонага олиб келишга, тайер маҳсулотни харидорларга етказиб беришга транспорт ижарага олинади. Транспорт харажатлари маҳсулот таннархининг 1 % микдорида кабул килинган. Уртacha бир ой давомида 12480 сумга tengdir.

4.1 таблицада 1 кг тайер маҳсулот ишлаб чикариш харажатлари курсатилган.

### 1 кг макарон ишлаб чикариш калькуляцияси

Таблица 4.5

№	Харажатлар номи	Умумий микдори (сум)
1.	Хом-аше ва материаллар	135
5.	Электроэнергия харажатлари	0,62
6.	Транспорт харажатлари	1,3

	ЖАМИ	136,92=137
--	------	------------

1 мавсумда муддат ичида 1600 дона помидор ва бодринг маҳсулотлари етиширилади. 1 мавсум ичида режага кура, ишлаб чикариладиган маҳсулотларнинг таннархи 219200 сумни ташкил этади.

## V.СОЛИГЛАР, ТУЛОВЛАР ВА ЧЕГИРМАЛАР.

Узбекистон Республикаси «Солиг кодекси»нинг 71-маколаси «Кушилган киймат солигидан куйидагилар озод килинади»: 12-пункти кура «узи етиширган кишлок хужалик маҳсулотларини реализация килиши»га асосан қушилган киймат солиги хисобланмайди. «Солик кодекси»нинг 31-моддаси «Якка тартибдаги тадбиркор шахсларни даромад (фойда) солигидан озод килиш» 11- пункти «янги ташкил килинган фермер хужаликлари ва хусусий корхоналар кишлок хужалик маҳсулотлари етишириш ва кайта ишлашдан...олган даромадлари (фойдалари) буйича руйхатдан утган вактидан эътиборан икки йил муддатга» озод килинади.

## VI. МОЛИЯВИЙ РЕЖА.

1 кг тайер маҳсулотнинг сотилиш нархи, ушбу маҳсулотга булган талабга, нархлар тахлили асосида, 500 сум микдорида белгиланади.

Юкорида кайд этилган курсаткичлар асосида 6.1 таблицада, бир мавсум ичида олиниши режалаштирилган даромад курсатилган.

Таблица 6.1.

№	Сотиладиган маҳсулот номи	Улчов бирлиги	Сони	Нархи (сум)	Жами (сум)
1	Памидор ва бодринг	кг	1600	400	640000

12 ой давомида олиниши кутиладиган даромад микдори 1920000 сумни ташкил этади.

6.2 таблицада лойихани амалга ошириш учун жалб этилган кредит маблагини кайтариш ва кредитдан фойдаланганлик фоизларини тулаш схемаси курсатилган.

## Кредитни кайтариш таблицаси

Таблица 6.2.

№	Тулов даври	Кредит микдори (сум)	Йиллик фоиз ставкаси 10 %	Кайтарила диган кредит суммаси (сум)	Жами туланадиган сумма (сум)
1	0 йил	2000000	--	--	--
2	1-йилнинг, 1- 6 ойлиги	2000000	100000	300000	400000
3	1-йилнинг, 2- 6 ойлиги	1700000	85000	300000	385000
4	2-йилнинг, 1- 6 ойлиги	1400000	70000	300000	370000
5	2-йилнинг, 2- 6 ойлиги	1100000	55000	300000	355000
6	3-йилнинг, 1- 6 ойлиги	800000	40000	300000	340000
7	3-йилнинг, 2- 6 ойлиги	500000	25000	500000	525000
<b>ЖАМИ</b>		<b>0</b>	<b>375000</b>	<b>2000000</b>	<b>2375000</b>

Лойиханинг, 3 йил ичидаги амалга оширилиши натижасида, кутилаетган молиявий курсаткичлар 6.3 таблицада акс эттирилган.

## МОЛИЯВИЙ РЕЖА

Таблица 6.3.

№	Курсаткичлар номи	1- ярим йилликда (сум)	2- ярим йилликда (сум)	3- ярим йилликда (сум)
1	Тушум	1920000	1920000	1920000
2	Харажатлар	657600	657600	657600
3	Даромад	1262400	1262400	1262400
4	Кредитнинг фоизи	185000	225000	65000
5	Кайтариладиган кредит суммаси	600000	600000	800000
6	Туловлардан кейин коладиган фойда	477400	437400	397400

## **ХУЛОСА.**

Ушбу лойихани тақдим этишдан олдин, лойиха ташаббускори томонидан, \_\_\_\_\_ шахри ва \_\_\_\_\_ вилояти полиз экинлари махсулотлари бозоридаги ахвол, лойихани амалга оширишда таъсир курсатадиган хамма факторларни эътиборга олиб, чукур тахлил этилди.

Келтирилган молиявий курсаткичлар натижалари, хамда полиз экинлари махсулотларини кичик хажмда ишлаб чикаришни ташкиллаштиришнинг бутун программасини тахлил килиш, ички бозордаги шароитни, биринчи навбатда хом-ашени етказиб бериш,худди шундай корхоналар томонидан буладиган ракобатни, ишлаб чикаришдаги булиши мумкин булган хатарлар ва бошка факторларни эътиборга олиб килинган тахлил натижасида лойихани амалга оширишда, лойиха ташаббускори томонидан курсатилган барча тадбирларнинг самаралилиги ва хаётйлиги тугрисида хulosага келинади.

Ушбу лойихани амалга оширилиши, лойиха ташаббускори фикрини хаётга татбиқ этишга,хамда Республикаизда олиб борилаетган иктиносидий ислоҳатларга уз улушини кушишга имкон яратилади.